

**ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИ АСОСИДА ТА’ЛИМНИ ТАШКИЛ  
КИЛИШНИНГ МАЗМУНИ**

Норқобилова Феруза Норсайтовна

**Аннотатсия:** Ушбу маколада халқаро баҳолаш дастурлари ( ПИРЛС ва ТИМСС) хакида маълумот, бошланғич синф ўқувчиларининг фанларни ўзлаштиришда халқаро баҳолаш дастурлари ( ПИРЛС ва ТИМСС) ларнинг таълим сифатини таъминлашдаги ўрни тугрисида маълумот берилган.

**Калит сўзлар:**халқаро,баҳолаш дастурлари , ПИРЛС ,ТИМСС, АҚШ, Канада,ўкув ,  
когнитив

Мамлакатимиз инноватсион тараққиёт йулида шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда келажагимиз давомчилари булмиш ёшларни ижодий гоялари ва ижодкорлигини ҳар томонлама қуллаб-қувватлаш, уларнинг билим, қуникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда илгор хорижий тажрибалар, халқаро мезон ва талаблар асосида баҳолаш тизимини такомиллаштириш, шу йулда халқаро тажрибаларни урганиш мавжуд тизимни ҳар томонлама қиёсий таҳлил қилиш, тегишли йуналишдаги халқаро ва хорижий ташкилотлар, агентликлар, илмий тадқиқот муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “ Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш тугрисидаги чора-тадбирлари тугрисида” 2018-йил 8- декабрдаги 997-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияцси хузурида Таълим сифатини баҳолаш буйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш Миллий марказ ташкил этилди. Шу билан бирга, таълим сифатини баҳолаш буйича халқаро тадқиқотларда иштирок этиш вазифалари белгиланди. Ушбу қарор асосида ПИРЛС, ТИМСС, ПИСА, ТАЛИС халқаро тадқиқотларини Ўзбекистонда жорий этилиши белгилаб қўйилган булиб, мазкур тадқиқотларни жорий этиш мақсадида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияцси хузурида Таълим сифатини баҳолаш буйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази ташкил этилган.

Бошланғич синф ўқувчиларининг фанларни ўзлаштиришда халқаро баҳолаш дастурлари ( ПИРЛС ва ТИМСС) ларнинг таълим сифатини таъминлашдаги ўрни хусусида тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

ТИМСС халқаро тадқиқотининг асосий мақсади бошланғич ва ўрта мактабларда математика ва табиий фанлар бўйича таълим сифатини қиёсий баҳолашдан иборат. Тадқиқотда 4-8-синф ўқувчиларининг таълимдаги ютуқлари, жумладан,

уларнинг нафақат билим ва кўникмалари, балки фанларга бўлган муносабати, қизиқишилари ва ўқишига бўлган мотиватсияси ҳам баҳоланади. Тадқиқот шундай тузилганки, унинг натижалари 4-синф ўқувчилари 8-синфга ўтганларида, ҳар 4 йилда иштирокчи мамлакатларда математика ва табиий фанлар бўйича таълим тенденцияларини кузатиб боради. Шундай қилиб, бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчиларининг таълим ютуқлари, шунингдек, бошланғич мактабдан ўрта мактабга ўтиш даврида математика ва табиатшунослик таълимидаги ўзгаришлар назорат қилинади. Тадқиқотни ўтказиш ва уни ишлаб чиқишида дунёning қўплаб тадқиқот марказлари ва профессионал ташкилотлари иштирок этадилар: Таълим тест хизмати (ЭТС - Эдусатионал Тестинг Сервисе, АҚШ), Канада Статистика Маркази (Статистисс Санада), Таълим ютуқларини баҳолаш халқаро ассотсиатсияцси Котибияти (ИЭА, Нидерландия), Таълим ютуқларини баҳолаш халқаро ассотсиатсияцсининг маълумотларни қайта ишлаш маркази (ДПС ИЭА — Дата Просессинг Сентер ИЭА, Германия) ва бошқалар. Шу билан бирга, турли мамлакатлар мутахассисларининг са’й-харакатларини мувофиқлаштириш учун дунёning етакчи эксперталаридан иборат маслаҳат қўмиталари тузилган. Барча тадқиқотлар Бостон коллежидаги ТИМСС ва ПИРЛС халқаро тадқиқот маркази (ТИМСС & ПИРЛС Интернатионал Студий Сентер, Бостон Соллеге) томонидан мувофиқлаштирилади.

Ўзбекистонда ушбу тадқиқот Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспектсияси хузурида Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази томонидан ташкил этилади. ТИМСС халқаро тадқиқот усулларига қуйидагилар киради:

ижобий тест натижалари;

сўровномалар (ўқувчилар, ўқитувчилар, таълим муассасаси маъмурияти, таълим соҳасидаги мутахассислар, тадқиқот сифатини кузатувчилар учун);

услубий таъминот (тадқиқотни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича миллий координаторлар учун қўлланма, мактаб координаторлари учун қўлланма, тест ўтказиш бўйича қўлланма, топшириқларни бепул жавоблар билан текшириш бўйича қўлланма, маълумотларни киритиш бўйича қўлланма ва бошқалар);

дастурий таъминот (синвлар ва ўқувчиларни танлаш, маълумотларни киритиш учун).

Халқаро тестлар қуйидаги тамойиллар асосида ишлаб чиқилади:

ўқув ва когнитив фаолиятнинг синовдан ўтган мазмуни ва турларини этарли даражада ёритиш;

халқаро тестлар мазмунининг аксарият иштирокчи мамлакатларда ўрганилаётган материалга максимал даражада мувофиқлиги;

тестларнинг ўзаро алоқасини таъминлаш;

текширилаётган мазмуннинг математика ва табиатшунослик та’лимини ривожлантириш нуқтаи назаридан аҳамияти;

ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мувофиқлиги, тест ишлаб чиқилган ютуқларни баҳолаш;

оммавий тадқиқотлар учун талабларга мувофиқлиги.

Ўқувчиларнинг математика ва табиий фанларга тайёргарлигини баҳолаш учун тестлар (хар бир вариантда) ҳам математика, ҳам табиий фанлар бўйича топшириқларни ўз ичига олади. ТИМСС-2011 тадқиқотида 60 та давлатдан 600 000 га яқин ўқувчилар иштирок этди. Анъанага кўра, Англия, Шотландия, Шимолий Ирландия, Белгиянинг франсуз тилида сўзлашувчи қисми, Гонконг ва Тайван давлатлари таълим тизимларидаги сезиларли фарқлар сабабли, мустақил иштирокчилар сифатида иштирок этганлар. Бошланғич синф битирувчиларининг математика ва табиий йўналишдаги фанлардан тайёргарлик даражасини ўрганиш учун 347 та топшириқ (175 та математика ва 172 та табиий фанлардан) фойдаланилган. Ушбу топшириқлардан 28 та блок (14 та математика ва 14 та табиий фанлар бўйича) шакллантирилиб, уларнинг ҳар бири иккита вариантда ишлаб чиқилган. Ҳаммаси бўлиб 14 хил вариант ишлатилган. Худди шу принципга кўра, 8-синф учун ҳам 14 та вариант шакллантирилган, аммо топшириқлар сони қўпроқ 434 та (217 та математика ва 217 та табиий фанлардан) бўлган.

4-синфларда тестни ечиш учун 72 дақиқа (танаффус билан 2 та тест 36 дақиқадан) ва 8-синфлар учун 90 дақиқа (танаффус билан 2 та тест 45 дақиқадан) вақт ажратилган. 4-синф ўқувчилари учун тестнинг ҳар бир вариантида математика ва табиий фанлар бўйича 39-51 та, 8-синф ўқувчилари учун эса 48-59 та топшириқ белгиланган.

Шу ўринда яна бир халқаро баҳолаш тизимига тўхталиб ўрмоқчимиз. 2021 йилда ўтказиладиган ПИРЛС халқаро баҳолаш дастурида 70 га яқин давлатлар қаторида мамлакатимиздаги 4-синф ўқувчилари ҳам илк маротаба иштирок этди. Тадқиқотлар 2001, 2006, 2011, 2016 йилларда ўтказилган бўлиб, 2021 йил тадқиқотнинг бешинчи даврийлиги ҳисобланади. Ҳар беш йилда ўтказиладиган ПИРЛС дастури 4-синф ўқувчиларининг ўқиб тушуниш кўнимасини халқаро даражада баҳолайди.

Мазкур дастур 4-синф ўқувчиларининг математика ва табиий фанлардан билим даражасини баҳолайдиган ТИМСС дастурини тўлдиришга йўналтирилган бўлиб, Бостон коллежидаги ТИМСС ва ПИРЛС халқаро маркази, ИЭА ташкилотининг Гамбург ва Амстердам шаҳарларидағи идоралари билан яқиндан ҳамкорликда бошқарилади.

Ўқувчиларнинг эришган ютуқларини баҳолаш барча ўқувчилардан эмас, балки ушбу қатлам вакиллари сифатида танлаб олинган ўқувчилардан объектив тестларни ўтказиш орқали амалга оширилади. Шунингдек, мактаб директорлари, ўқитувчилар, ўқувчилар, хаттоқи ота-оналардан сўровномалар ўтказилиб, таълим сифатига таъсир этувчи омилларга доир қимматли маълумотлар тўпланади.

ПИРЛС халқаро тадқиқоти бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиб тушуниш кўнималарини қай даражада ривожланганлиги хақидаги маълумотларни халқаро

миқёсда таққослаш имконини берадиган, ўқиш ва ўқитишни яхшилашда таълим соҳасидаги давлат сиёсатига хизмат қилиши мумкин бўлган таҳлилларни тақдим этадиган йирик халқаро баҳолаш дастури ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, юқорида келтирилган баҳолаш дастурларида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши таълим сифатини ошириш, халқаро миқёсда мамлакат нуфузини мустаҳкамлаш билан бирга, ўқувчилар билимини халқаро талаблар даражасига олиб чиқишига хизмат қиласди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1.“Халқаро тадқиқотларда иштирок этиш – инсон капиталини ривожлантириш омилидир” мавзусидаги халқаро вебинар. Сидорова Галина Александровна, Россия таълим академиясининг таъимни ривожлантириш стратегияси институти, таълим сифатини баҳолаш марказининг катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди. Э-маил: centeroko@mail.ru Веб-сайт [www.centeroko.ru](http://www.centeroko.ru)

2. “ПИРЛС 2021 халқаро солиштирма тадқиқоти доирасида уқиш саводхонлигини шакллантиришнинг узига хос хусусиятлари” номли тақдимот. Кузнетсова Марина Ивановна, Россия таълим академияси Таълимни ривожлантириш стратегиялари институти Бошлангич таълим маркази етакчи илмий ходими. Э-маил: centeroko@mail.ru Веб-сайт [www.centeroko.ru](http://www.centeroko.ru)

3. Таълим инспекцияцси ҳузуридаги Таълим сифатини баҳолаш буйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази сайтлари. Э-маил: markaz@tdi.uz Веб-сайт: